O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 16 февраль, № 33 (4443) Шанба

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***15 февраль куни Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***




Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Хоразм вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, бу ўлкада мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солиш, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, янги иш жойларини ташкил қилиш ва шулар ҳисобидан шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражаси ва маданиятини юксалтириш, уларни рози қилиш ҳар доим бизнинг энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлиб келмоқда, деди Президент.

Ана шу мақсадларга эришиш йўлида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда, уларнинг суръат ва самараси вилоят ҳаётида, одамларнинг кундалик турмушида ўз ифодасини топмоқда.

Хоразм воҳасининг охирги йилларда эришган марралари ҳақида гапирганда, бир муҳим фикрни алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижалари, янги-янги қурилишлар, вилоят маркази, шаҳар ва туманларнинг қиёфаси тобора обод бўлиб бораётгани, қишлоқ хўжалиги соҳасида нисбатан оғир шароитга қарамасдан, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлигини кўтариш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар Хоразмнинг бошқа вилоятлардан кам бўлмасдан, изчил ривожланаётганидан далолат беради. Шу борада баъзи бир рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2007 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг салкам 8 фоизга, саноат – 11,8 фоизга, капитал қурилиш – 11,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси – 19,7 фоизга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибидаги улуши республикада энг юқори кўрсаткични, яъни 64,4 фоизни ташкил этгани ёки бир йилда икки баробар ўсгани, ҳududдаги мавжуд қўшма корхоналарнинг экспортдаги ҳиссаси ортиб бораётгани – бундай ютуқларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин – буларнинг барчаси вилоятнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатиб турибди, дея қайд этди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида бугун вилоятда 19 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда, энг муҳими, уларга хизмат кўрсатиш бўйича зарур шарт-шароит, таъминот шохобчалари ва инфратузилма яратиб берилган.

Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ечиш йўлида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Воҳанинг мураккаб табиий шароитида қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Шу борада 2007 йилда вилоятда 490 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди, 46 километрлик ичимлик суви, 46,4 километрлик табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Айниқса, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудуднинг санитария ва гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган "Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Қадимдан илму маърифат, юксак маънавият маскани бўлиб келган Хоразм заминида ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, энг аввало, уларга замонавий билим бериш, зарур касб-ҳунарларга ўргатиш борасида қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз барчамизга мамнуният бағишлайди. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 5 минг 400 нафар ўқувчига мўлжалланган 8 та касб-ҳунар коллежи, 555 ўқувчи таълим оладиган 1 та академик лицей барпо этилди, 9 минг 800 ўринли 32 та мактаб янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди.

Биз бу ўзгаришларнинг барчасини ёш авлодимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида амалга ошираётган энг катта ишларимиз, деб баҳолаймиз, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз, жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам кейинги йилларда вилоятда эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Республика ихтисослашган урология маркази ва Шошилинч тиббий ёрдам марказининг Урганч филиаллари, вилоят марказий болалар шифохонаси, кардиохирургия бўлими, онкология шифохонаси, "Хонқа санаторийси" каби замонавий тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилганини соғлиқни сақлаш соҳасида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг амалий натижаси сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Шулар қаторида 2007 йилда 2 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилиб, уларнинг умумий сони 65 тага етгани аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хоразм вилоятининг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш йўлида қилинган ана шундай ишларни тан олиш билан бирга, бу ерда ҳали-бери ечилмаган масалалар ва одамларни қийнаб келаётган кўпгина муаммолар борлигини, уларни ҳал этишга етарли даражада эътибор берилмаётганини ҳам қайд этиш зарур, деди Президент.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, саноат соҳасида оқсоқлик ҳолатлари мавжудлигини очиқ айтиш керак. Буни ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши охирги 7 йил давомида ўзгармасдан, 8 фоиз даражасида қолиб келаётгани ҳам исботлайди.

Вилоятда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик сурункали тус олаётгани ташвиш уйғотади. Масалан, мавжуд қувватлардан ун ишлаб чиқаришда 41 фоиз, ўсимлик мойи бўйича 54 фоиз, гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 42 фоиз, трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда 40 фоиз, омухта ем тайёрлашда эса 12 фоиз фойдаланилмоқда, холос.

Бунга кўп ҳолларда хом ашё ва ресурслар етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Лекин, аслида, бунинг сабаби ишни замонавий асосда, тўғри ташкил этолмаслик, изланувчанлик, ташаббус ва тадбиркорликнинг етишмаслигида, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Мисол учун, 2007 йилда вилоят бўйича тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестиция миқдори мамлакатимиз миқёсидаги кўрсаткичнинг атиги 1,4 фоизини ташкил этиши албатта ҳеч кимни қониқтирмайди.

Ўтган йили бевосита Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган.

Гарчи 2007 йил якунлари бўйича вилоят дотациядан чиққан бўлса-да, бир қатор туманлар, хусусан, Гурлан, Шовот, Янгиариқ, Қўшкўпир ва Янгибозор туманлари ҳамон дотацияда қолиб келаётганини афсус билан қайд этиш керак.

Шундан сўнг Президент Хоразм иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳолининг асосий даромад манбаи бўлмиш, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 41,5 фоизини ташкил этадиган етакчи тармоқ – қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳақида тўхталиб ўтди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги энг катта муаммо – бу ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги, унинг бонитети пасайиб бораётгани билан боғлиқ. Бу муаммо, айниқса, Хоразм воҳаси учун қанчалик муҳим ва долзарб экани тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Бугунги кунда вилоятда 28 минг гектар ёки 10 фоиздан ортиқ суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз аҳволда бўлиб, бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганини барчамиз яхши тушунамиз. Республика миқёсида эса бу кўрсаткич 8 фоизни ташкил этмоқда.

Хоразмдаги вазиятнинг мураккаб томони шундаки, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг салкам 60 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланган. 220 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сувлари ўта яқин, яъни бир ярим-икки метр чуқурликда жойлашгани ҳам бу соҳада қўшимча қийинчиликларни туғдирмоқда.

Натижада кейинги 10 йилда суғориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитети вилоят бўйича 2 баллга, Қўшкўпир ва Урганч, Ҳазорасп ва Хонқа, Хива ва Янгиариқ туманларида эса 6 баллгача пасайиб кетгани кузатилмоқда.

Агар бу ўткир масала ҳақида бугун ўйламасак, деди давлатимиз раҳбари, бу муаммо йилдан-йилга кучайиб қандай салбий оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Барчамизга аёнки, Хоразм заминида одамлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай фидокорона меҳнат қилмоқда, миришкор деҳқонлар, моҳир фермерлар ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатмоқда. Лекин шундай бир шароитда ерларнинг мелиоратив ҳолати ана шу меҳнатнинг самарасидан тўлиқ баҳраманд бўлиш, етарли даромад олиш ва соҳани барқарор ривожлантиришга ғов бўлиб турибди.

Шунинг учун ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича яқинда қабул қилинган давлат дастурида бошқа ҳудуд ва минтақалар қаторида бу масалада Хоразм вилоятида юзага келган аҳволни тубдан ўзгартиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2008-2012 йилларда вилоят бўйича қарийб 40 миллиард сўм, жумладан, 2008 йилнинг ўзида 6 миллиард сўм ҳажмидаги мелиорация ишлари амалга оширилади. Бу эса бошқа вилоятларга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Шуни ҳам таъкидлаш кераки, кейинги икки йил давомида вилоятга 50 дан ортиқ хорижда ишлаб чиқарилган замонавий мелиорация техникалари олиб келинди. Келгусида яна 20 та ана шундай техника сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, 165 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида 60 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа ишлари амалга оширилади.

Ҳеч шубҳасиз, белгиланган ана шундай комплекс дастурлар вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, ҳосилдорликни кўтариш, энг муҳими, деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан ҳар томонлама манфаат топиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Юртбошимиз мажлис аҳли эътиборини яна бир муаммога қаратди. Бу вилоятда пахтачилик соҳасидаги аҳвол билан боғлиқ. Сўнгги йилларда воҳада пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб бормоқда. Кейинги тўрт йил давомида ҳосилдорлик ўртача 1,3 центнерга камайди. Айниқса, Қўшкўпир, Урганч ва Ҳазорасп туманларида ҳосилдорлик даражаси паст бўлиб, ўтган йили гектарига ўртача 20-22 центнерни ташкил этганини албатта ижобий баҳолаб бўлмайди.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида кўп гапирмасдан, биргина масала – яъни, Хоразмнинг тупроқ, сув ва иқлим шароитига ҳар томонлама мос келадиган, серҳосил ва эртапишар навларни яратиш масаласини олайлик.

Маълумки, Хоразм вилоятида 20-30 йил давомида "175-Ф" деган ғўза нави экиб келинди. Айтиш керакки, бу жуда инжиқ, нозик нав бўлиб, бугунги кунда ундан воз кечилди. Ҳозирги вақтда вилоятда "Меҳнат" ва "Хоразм-127" навлари экилмоқда. Улар янги районлаштирилган навлар бўлиб, афсуски, ҳосилдорлиги ва дунё бозорида харид нархи етарли даражада эмас.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### О. Х. Оллабергановни Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ:

Оллаберган Хаитбоевич Оллаберганов Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 15 февраль

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### И. А. Бобожоновни Хоразм вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Ислом Алимович Бобожонов Хоразм вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 15 февраль

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

*Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.*

***Кеча қуйи палатанинг бир қатор қўмиталарида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор масалаларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.***



**Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси**нинг кенгайтирилган йиғилишида "2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш Дастури"нинг бажарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Уни мазкур қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётганлигини қайд этди. Жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,5 фоизни, ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоизга ошганлиги таъкидланди. Шунингдек, иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни кўпайтириш ҳисобига иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастурларини амалга ошириш, айниқса, солиқ-бюджет сиёсатини янада эркинлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган янги Солиқ кодексини жорий этишни таъминлаш лозимлиги айтиб ўтилди. Ушбу кодексни такомиллаштириш борасида ишларни изчил давом эттириш лозимлиги таъкидланиб, бу борадаги устувор вазифа ва йўналишлар белгилаб берилди.

Йиғилишда ушбу ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, бу натижалар пухта ўйланган тизимли иқтисодий ислоҳотлар самараси эканлиги эътироф этилди. Шунингдек, тадбирда мамлакат миқёсида иқтисодий ютуқларга эришилаётган бир вақтда хом ашё базаси ва моддий бойликлар бўла туриб, ички имкониятлар ва ташқи инвестицияларни жалб этмаётган вилоят ва туманларнинг мавжудлиги, мулкни хусусийлаштиришда инвестиция ҳамда солиқ-кредит борасида имтиёзлар яратилганидан унумли фойдаланилмаётгани очиқ-ошкора айтилди. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари айрим тармоқларда тўлиқ татбиқ этилмаяпти, қолаверса, ички ва ташқи аудитнинг яхши йўлга қўйилмаган ҳолатлари бот-бот учраб турибди.

Юртбошимиз белгилаб берган вазифалар, жумладан, Солиқ кодексини амалиётга жорий қилиш ва унинг самарали ишлашини ўрганиш, бухгалтерия ҳисоби ва мажбурий суғурта хизматини халқаро андозаларга мослаштириш, "Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги ҳамда "Иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинишига эришиш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган мавзу юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

**Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси**нинг навбатдаги йиғилишида ҳам Юртбошимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган

(Давоми 2-бетда).

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, авваламбор, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва мутасадди идоралар воҳада селекция ва уруғчилик, навларни танлаб экиш ва синовдан ўтказиш ишларини кучайтириш ва шу асосда маҳаллий шароитга мос келадиган истиқболли ғўза навларини яратиш масаласини ҳал қилиши зарур, деб таъкидлади Президент.

Бугунги кунда вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам кун тартибида долзарб бўлиб турибди. Шу борада биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу масала бўйича мавжуд аҳволнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2007 йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган қарийб 15 минг 900 нафар ўқувчининг фақат 9 минг нафари ишга жойлаштирилган, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бу масалага мамлакатимиз раҳбари алоҳида тўхталган эди. Бу ўта муҳим масалани тегишли мутасадди ташкилот ва идоралар маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда ҳар томонлама чуқур ўрганиб, касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларимизни замонавий иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган амалий чораларни кўришлари шарт, деди Президент.

Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, йўлларни таъмирлаш бўйича ички имкониятларни ишга солиш, ҳомийларни жалб этиш масаласида, афсуски, кўпгина туман ва шаҳар раҳбарларида ташаббус етишмаётганини очиқ айтишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, обод ва тўкин, одамнинг ҳавасини тортадиган бозорларни кўрасиз. Бозорлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигининг кўзгусига айланиб қолди. Лекин, таассуфки, Хоразм вилоятининг ҳамма туманларида ҳам бу масала ҳал этилган, деб бўлмайди. Хусусан, вилоятдаги мавжуд 28 та деҳқон ва буюм бозорининг 16 таси қайта қуриш ва таъмирлашга муҳтож экани ана шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Юртбошимиз сессия иштирокчиларининг эътиборини Урганч шаҳрининг бош майдонини тартибга келтириш, уни миллий ва замонавий меъморчилик ютуқлари асосида қайтадан барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратди.

Афсусланарли томони шундаки, вилоятнинг қиёфасини кўрсатадиган, таъбир жоиз бўлса, унинг юзи бўлган мана шу майдонни обод қилиш, бу ерда одамлар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш масаласи узоқ йиллар давомида вилоят ва шаҳар раҳбариятининг эътиборидан мутлақо четда бўлиб келди.

Фақатгина Тошкентдан туриб, ушбу масалани бир неча марта кун тартибига қўйиб, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилганидан кейингина бу борада амалий ишлар бошланганини айтиш лозим.

Шундан сўнг Президентимиз вилоятда қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги аҳвол, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, бу соҳадаги вазият ташвиш уйғотади. Вилоятда биргина 2007 йилнинг ўзида оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, безорилик кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсгани, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар кўпайгани кузатиляпти. Кейинги йилларда мансабдор шахслар томонидан порахўрлик ва ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, уларнинг содир этилаётган жиноятларда иштирок этган ҳолатлари бўйича мисолларни келтириш мумкин.

Прокуратура органлари томонидан олиб борилган тергов материаллари асосида суд ҳукми бўйича мана шу жиноятларни содир этган шахслардан етказилган иқтисодий зарар тўлиқ ундириб олинди ва улар қонун талабларига мувофиқ жавобгарликка тортилди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизда ҳалибери учраб турадиган бундай жирканч ишларнинг олдини олиш, уларни таг-томири билан бартараф этиш – бу авваламбор қонун муҳофазасида, қонун ҳимоясида турган идоралар – бу прокуратура бўладими, милиция ёки суд органлари бўладими – уларнинг асосий вазифаси ва бурчи бўлиши керак, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Нега деганда, бундай ҳолатлар жамиятимизнинг олдинга юришига, юртимизнинг барқарорлигини сақлашга, фуқароларимизнинг тинчлиги ва ҳимоясини таъминлашга, энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кунга, адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга катта зарар етказади.

Фуқароларимиз қонун устуворлигини, содда қилиб айтганда, ким қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, қонун барчамиз учун баробар эканини ва қонунни бузган тақдирда ҳамма учун жазо муқаррар бўлишининг тасдиғини амалда кўриши шарт.

Шундан кейин аҳолининг ҳокимиятга ҳам, адолатга ҳам ишончи кучайиши ва жамиятимизда соғлом муҳитни ташкил қилишимиз мумкин бўлади.

Шу маънода, мана шундай тамойилларни ҳаётимизда ҳар томонлама қарор топтириш, одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини мустаҳкамлаш авваламбор шу юртнинг етакчиси бўлмиш раҳбарга, ҳокимга кўп жиҳатдан боғлиқ эканини англаш қийин эмас. Бу ҳақиқатни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўриш мумкин ва бугун буни ортиқча исбот қилиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Шундан кейин Президент кун тартибига қўйилган ташкилий масала ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Хоразм вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Ислом Бобожоновнинг фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, бу одам тўққиз йил давомида вилоятга раҳбарлик қилди. Табиийки, Хоразм воҳасининг ана шу даврда эришган барча ютуқларида унинг ҳам ҳиссаси бор.

Эътироф этиш керак – бу раҳбар дастлабки пайтларда фаол ишлади, мавжуд муаммоларни ечиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, вилоятни ривожлантириш учун анча ҳаракат қилди. Лекин, очиғини айтиш керакки, кейинги йилларда вилоятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда принципиаллик кўрсата олмади, атрофида гирдикапалак бўлиб юрган ҳар хил хушомадгўй кимсаларга, таниш-билиш, қариндош-уруғларига нисбатан сезгирлиги ва қатъиятини йўқотди. Ва энг ачинарли томони шуки, жиноят йўлига ўтган, қинғир-қийшиқ ишлар билан шуғулланиб юрган бузғунчи одамларнинг таъсирига тушиб қолди.

Мен қаерда бўлмасин, ўзимнинг кўплаб чиқишларимда бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳақида, раҳбарларнинг қатъиятлиги ва ҳалоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши зарурлиги ҳақида қайта-қайта даъват этишим бежиз эмас, албатта, деди Юртбошимиз.

Минг афсуски, кўпгина ҳолатларда ўзи шу юртда туғилиб ўсган, унинг сувини ичган туппа-тузук баъзи инсонлар масъул лавозимни эгаллагач, тўрт-беш йил давомида боши айланиб, иродаси сусайиб, ўзини йўқотиб қўйиб, оқни қорадан ажратишга заиф бўлиб қолар экан.

Бу эса, муҳитнинг бузилишига, адолатсизликка сабаб бўлади. Муҳит бузилган жойда эса, раҳбарга ишонч ва ҳурмат йўқолади, иш ўрнига гуруҳбозлик, ўзаро зиддият ва низолар кучаяди, юртдан барака кўтарилади.

Ҳар қайси раҳбар – у ҳоким ёки вазир бўладими, корхона ёки жамоа бошлиғи бўладими – ўз қатъияти ва талабчанлигини қачон ифода этиши, қачон тўла намоён қилиши мумкин?

Қачонки бошқаларга ўрнак бўлиб, ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмаса, ҳеч кимнинг олдида мутtaҳамлиги бўлмаса. Одамларнинг кўзига тик қараб, бошини баланд кўтариб юришга қодир бўлса.

Энг асосийси, давлат ва халқ ишонч билдирган раҳбарнинг оёғи ердан узилиб, салбий томонга ўзгаришини кимки одамлар сезмайди, билмайди, деб ўйласа, қаттиқ янглишади.

Эл-юрт кўп нарсадан хабардор, ҳаммасини кузатади, яхши билади, ўз хулосасини чиқаради. Натижада бундай раҳбар одамлар ўртасида, жамоа назарида, халқнинг кўз ўнгида ўз обрўсини йўқотади, деб қайд этди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. И. Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Оллаберган Оллаберганов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қабул қилинган қарорга асосланиб келгуси йилда республикамизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда, деди Юртбошимиз. Бу дастурларда барча ҳудуд ва минтақаларимиз қатори Хоразм вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга доир режа ва лойиҳалар ҳам – бу саноат ёки қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўладими, янги йўллар, газ ва сув тармоқлари, таълим-тарбия, маданият ва шифо масканлари ёки туражойлар барпо этиш бўладими – албатта ўзининг ифодасини топиши ва амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Қадимий Хоразм воҳасининг мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ва ўзига мос бетакрор ўрни бор. Хоразм аҳли маррани баланд қўйиб, келажакка катта умид ва ишонч билан қарайдиган халқ.

Ўз юрти, ўз ерига юксак муҳаббат ва садоқат туйғуси, ҳалол ва мардона меҳнати билан буюк аждодлар руҳини эъзозлаб, ўзлигини асраб келаётган бундай олижаноб элга хизмат қилиш ўзини раҳбар ва етакчи деган ҳар қайси инсон учун катта бахт, катта шарафдир.

Хоразм вилоятининг бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбари ана шу ҳақиқатни ўзи учун асосий мезон деб билса, шу аснода одамларнинг қалбига йўл топиб, бутун воҳа аҳлини ўз ортидан эргаштира олса, ҳеч шубҳасиз, эл-юрт ишончини оқлашга эришади, деди пировардида Ислом Каримов.

Сессияда сўзга чиққан "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Р. Қутлимуродов, Қизил ярим ой жамияти Боғот тумани бўлими раисаси Б. Машарипова, "Тошсоқа ирригация тизимлари" бошқармаси бошлиғи Ш. Бекжонов, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Г. Ибодуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида билдирилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий вазифаси эканини алоҳида таъкидладилар.

(ЎзА).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга доир масалалар кўриб чиқилди.

Жумладан, келажакда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш орқали қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида қаралади. Энг муҳими, бу ишлар самараси қишлоқ аҳолиси моддий фаровонлигини кўтаришнинг зарур шарти ва гарови бўлиб хизмат қилишини депутатлар эътироф этишди.

* * *

**Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси** "Ўзбекистон почта алоқасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболи" мавзуида семинар ўтказди. Тадбирни олиб борган мазкур қўмита раиси Х. Дўстмуҳамедов таъкидлаганидек, истиқлол йилларида мамлакатимиз почта алоқаси тубдан янгиланди. Хусусан, 6734 почта жўнатмаларини етказиб бериш участкалари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг аксарияти, яъни 4312 таси қишлоқ жойларида жойлашгани тизимнинг мунтазам ишлашига замин яратаётир.

Семинарда сўз олганлар мамлакатимизда почта алоқаси кун сайин тараққий этаётганини таъкидладилар. Хусусан, бугун почтанинг анъанавий турларидан ташқари замонавий турлари ҳам ҳаётимизга кенг жалб этилаётир.

Тадбир қатнашчилари, шунингдек, янги таҳрирдаги "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиб, уни такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

**М. ЗОҲИДОВА,**
**Қ. ХИДИРОВ.**

*Давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди.*

# РИШТОННИНГ НАФИС ЧИННИЛАРИ



2008 йилда эса уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини 48 фоизга етказиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Барча жойларда бўлгани сингари, Риштон туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган ойда ўз фаолиятини бошлаган "Simax F+Z" масъулияти чекланган жамиятида миллий андозалар асосида чойнак, пиёла, лаган, коса ва бошқа уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилаяпти.

— Корхонамизда 100 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда, — дейди унинг раҳбари Суҳроб Исматов. — Риштонликлар азал-азалдан кулолчилик билан шуғулланишган. Улар томонидан турли йилларда тайёрланган ранг-баранг сопол ва чинни буюмлар дунёнинг кўплаб музейлари, санъат кошоналарини безаб турибди. Келгусида Риштоннинг ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириш ҳамда ички ва ташқи бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.



**СУРАТЛАРДА:** ишчи Гулчеҳра Дадажонова; корхона цехида.

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

**▼ Анжуман**

**Кеча "Экосан" халқаро ташкилоти Республика Фанлар академияси ва бир қатор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда "Глобаллашув ва экологик таҳдидлар шароитида ёшларнинг рақобатбардошлиги – ютуқлар омили" мавзуида ёшлар экофорумини ташкил этди.**

# МАМЛАКАТ РИВОЖИ – ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда бир қатор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидландики, бугунги глобаллашув ва экологик таҳдидлар шароитида давлатларнинг рақобатбардошлиги, иқтисодиётининг нечоғли юксалиши мамлакат ёшларининг салоҳияти, билим ва интилишларига боғлиқ. Юртимизда ёш авлоднинг иқтидорини юзага чиқариш, танлаган касбининг устаси бўлиб етишишлари учун барча шароит муҳайё этилган.

Экофорум иштирокчилари бу ҳақда тўхталишар экан, айни пайтда, замонавий фан йўналишлари, жумладан, биотехнология, нанотехнология, глобал информацион тизимлар, экологик тоза технологиялар, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш технологияларини ривожлантириш кераклигига эътибор қаратишди. Шу мақсадда "Экосан" халқаро ташкилоти томонидан ёш олимлар ўртасида танлов ташкил этилиб, ҳар бири 1 миллион сўмлик махсус мукофот таъсис этилгани маълум қилинди.

***Мавжуда ХОЛМАТОВА,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

**▼ Касаначилик**

# Уйда гилам тўқишяпти

***«Silk Karpet Namangan» кичик корхонаси рўзғор юмушлари билан банд бўлиб қолган наманганлик уй бекаларини ишлаб чиқаришга жалб этди.***

Улар ҳаракати билан қисқа фурсат ичида 21 қиз-жувон гилам тўқишни ўзлаштириб олиб касаначиларга айланди. Кичик корхона уларнинг хонадонига зарур хом ашёни етказиб бериб, тайёр маҳсулотни сотиб беряпти. Касаначиларнинг ҳар бирига меҳнат дафтарчаси очилган бўлиб, ишчи-хизматчилар учун белгиланган имтиёзлардан бемалол фойдаланишади.

***Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида ўтказилган семинар "Солиқ ва бошқа иқтисодий имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусига бағишланди.***

# СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА БИЗНЕС

**▼ Семинар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралда бўлиб ўтган 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, фақат 2000–2007 йиллар мобайнида юртимизда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови 10 фоизга туширилди. 2007 йилда мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар солиқ имтиёзлари берилиши ҳисобидангина ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда, анчагина тўлдиришга муваффақ бўлдилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юки пасайтирилганлиги аҳамияти семинар иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизга камайтирилади. Шу зайл кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун, аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини ошириш муаммоларини худди шу негизда ҳал этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади, мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ортиб, рақобатбардошлик кучаяди. Тижорат банклари учун даромад солиғи 17 фоиздан 15 фоизга туширилади, шунинг натижасида бўшатиб олинадиган маблағлар банкларнинг капиталлашувини оширишга мақсадли равишда йўналтирилади. Булар эса ўз навбатида банкларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга, уларнинг инвестиция жараёнларидаги, таркибий ўзгартишлар ва иқтисодиётни модернизация қилишдаги иштирокини янада кенгайтиришга олиб келади.

Бундан ташқари, тижорат банклари янги ташкил топган микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятларини йўлга қўйиб олишлари учун бирламчи капитални шакллантиришга қарата имтиёзли микрокредитлар бермоқда. Микрофирмаларни, оилавий бизнес ва касаначиликни рағбатлантириш ҳамда уларнинг равнақ топишини қўллаб-қувватлаш асосида тадбиркорлик соҳасини янада кенгайтириш мақсадида "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг рақобатлашув лаёқатини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мебель, биллур маҳсулотлар, видео ва аудио аппаратларга солинадиган акциз солиғи бекор қилинди. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиси бўлмиш барча хўжалик юритувчи субъектлар учун божхона тўловлари тўлашнинг ягона тартибини белгилаш, шунингдек, олиб кирилаётган ёғочтахта учун юридик шахслардан олинадиган қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкасини жорий этиш йўли билан божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур устувор йўналишлар бўйича, айниқса, минтақаларда, тадбиркорлар орасида ва меҳнат жамоаларида олиб бориладиган тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш зарурлиги семинар иштирокчилари томонидан таъкидлаб ўтилди. Хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юки камайтирилганлигининг аҳамиятини, солиқ борасида бериладиган имтиёзларни жойларда кўпинча яхши билмайдилар, молиявий-иқтисодий имтиёзлардан фойдаланишда бўшатиб олинаётган маблағларни инвестициялашга ва рақобатбардошликни мустаҳкамлашга собит тарзда йўналтириш ўрнига уларни ички эҳтиёжлар учун қайта тақсимлаш билангина чекланиб қолмоқдалар. Имтиёз белгиланганидан кейинги даврни мониторинг қилиб бориш ҳамда солиқ ва бошқа иқтисодий имтиёзлар самарадорлиги ҳисобини юритиш механизми ишлаб чиқилмаган.

Семинар иштирокчилари молиявий-иқтисодий имтиёзлар самарадорлигини оширишга ҳамда улардан аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда фойдаланишга оид, бундай имтиёзларнинг бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишдаги рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга доир таклифлар билдирдилар, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Тадбирда сенаторлар, Молия, Иқтисодиёт, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат Божхона ва Солиқ қўмиталари, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Олий хўжалик суди, Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари, олимлар, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

(ЎзА).

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Собиқ талаба шахси ошкор этилмаяпти



АҚШнинг Шимолий Иллинойс университетида қуролланган шахс дарс пайти аудиторияга бостириб кириб бир неча марта ўқ узди.

"Си-эн-эн" телеканали хабарига кўра, қотиллик оқибатида беш нафар талаба ҳалок бўлди, яна 17 киши жиддий жароҳатланди. Полиция ходимлари ўқ узган шахсни аниқлади. Ҳозирча унинг кимлиги ошкор этилгани йўқ. Маълумотларда келтирилишича, у 2007 йилнинг баҳорида мазкур университетни тамомлаган.

## Ресторанда ёнғин

**Кеча Хитойнинг Шарқий Чжэцзян музофотида кучли ёнғин рўй берди.**

**«Синьхуа» ахборот агентлигининг хабар беришича, ресторанлардан бирида ўт чиққан. Ёнғин оқибатида 11 киши ҳалок бўлди. Яна 15 нафари шифохонага ётқизилди. Манбада айтилишича, ёнғин маҳаллий вақт билан ярим тундан сўнг аланга олган. Ҳозирча фожиа сабаблари номаълум.**

## Фавқулодда ҳолат эълон қилинди



Чад президенти Идрис Деби бутун мамлакат бўйлаб ўн беш кунлик фавқулодда ҳолат эълон қилди.

"Би-би-си" телеканали маълумотида шу йўл билан президент Чадда тартиб-интизомни ўрнатмоқчи эканлиги таъкидланган.

Эслатиб ўтамиз, шу йил 2 ва 3 февраль кунлари Чад пойтахти Нжаменда бир гуруҳ исёнчилар президент саройини эгаллаш мақсадида ҳужум уюштиришганди.

## Янги сайёра тизими топилди

**Дунё астрономлари космосда, худди Қуёшга ўхшайдиган янги сайёра тизимини топишди.**

**Олимлар янги сайёра Ердан 5 минг ёруғлик йили узоқлигида жойлашганлигини аниқлашди. Токио нашрларининг ёзишича, сайёра гравитацион линзалар ёрдамида кашф этилди. Мазкур тадқиқот иши бир неча йиллардан буён олиб борилаётган бўлиб, унда 11 мамлакатдан олимлар қатнашган.**

## Сунъий йўлдош йўқ қилинади



***АҚШ ҳукумати самода ҳаракатланаётган жосуссунъий йўлдошни бошқариш ишдан чиққанлиги сабабли, уни йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилди.***

Бу ҳақда президентнинг миллий хавфсизлик ишлари бўйича ёрдамчиси Жеймс Жеффри хабар берди. Маълумотларга кўра, сунъий йўлдош захирасида вазни ярим тоннадан зиёд ракета ёнилғиси бор. У тезда йўқ қилинмаса, таркибидаги моддалар сайёрамизнинг айрим мамлакатлари ҳудудига жиддий зиён етказиши мумкин, дейишмоқда мутахассислар.

## Маълумотлар тўплами ўғирланди

***Буюк Британия амалдорлари сўнгги уч ой ичида бир неча миллиондан ортиқ фуқароларнинг шахсий маълумотномасини йўқотди.***

Куни кеча мамлакатдаги "Дадли" госпиталидан 5123 бемор ҳақида маълумот тўпланган ноутбук ўғирланди. Шифохона раҳбарияти фикрига кўра, бу ноутбук пароль билан беркитилгани боис, уни ўқиш жуда мушкул.

Бундан икки ой аввал Бирлашган Қиролликнинг солиқ ва божхона хизмати 25 миллиондан ортиқ фуқаронинг маълумоти тўпланган дискни йўқотганди.

## Ташриф куни аниқланди

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинежоднинг Ироққа сафари муддати аниқланди.

"Франс пресс" агентлиги тарқатган хабарга кўра, ташриф шу йил 2 март куни амалга оширилади. Президент икки кун мобайнида ўз вазирлари билан Бағдодда бўлади.

Ташриф давомида Аҳмадинежод Ироқ президенти Жалол Талабоний ва ҳукумат раҳбари Нури ал-Маликий билан учрашади.

Музокаралар давомида икки томонлама алоқалар ва Ироқдаги хавфсизлик масалалари кўрилади.

Эслатиб ўтамиз, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар 1980-1988 йиллардаги Эрон-Ироқ урушидан сўнг амалда тўхтаб қолганди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


## Фермер, деҳқон ва шахсий хўжаликлар эгалари диққатига!

**Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги «Мева-сабзавот, полиз ва узум ресурсларидан унумли фойдаланиш чоралари тўғрисида»ги 145-сон Қарорига мувофиқ, Республика ички истеъмол бозорини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли эҳтиёжини тўлароқ қондириш, бозорларда нархларни барқарорлаштириш, экспортга чиқариш учун «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тизимининг қуйидаги ҳудудий улгуржи савдо базалари билан картошка, пиёз, сабзи, бодринг, карам, қовун, узум, тухум, асал, гуруч ва гўшт маҳсулотларига**

## фьючерс шартномалари тузишга таклиф этамиз:



| т/р | Улгуржи базанинг номи | Манзили | Хизмат телефони |
|---|---|---|---|
| 1 | Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база- контораси | Тошкент ш., Олтинкўл кўч., П-тор кўча, 115 | 291-40-11 |
| 2 | «Андижонгўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Андижон ш., Чинобод к., 1 | 26-33-22 |
| 3 | «Бухорогўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Бухоро ш., Коғон шоссеси, 10 | 5-41-71 |
| 4 | «Қашқадарёозиқовқатмоллари» ОАЖ ҲУБ | Қарши ш., «Ўзбекистон овози газетаси» к. | 7-02-98 |
| 5 | «Наманганғўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Наманган ш., Юқори Раустон | 32-64-60 |
| 6 | «Наманагансавдо улгуржи база» МЧЖ | Наманган ш., Навоий к., 31 | 33-54-27 |
| 7 | «Наманган улгуржисавдоинвест» МЧЖ | Наманган вил., Тўрақўрғон тумани, Янги шаҳар қишлоғи | 444-22-191 |
| 8 | «Самулгуржиагросервис» ШК | Самарқанд ш., Ёқубов к., 121 | 21-80-10 |
| 9 | «Сурхондарёозиқовқатмоллари» ОАЖ ҲУБ | Термиз ш., Ҳидоятов к., 1 | 2-38-67 |
| 10 | «Фарғонагўштсутсавдо» ОАЖ ҲУБ | Марғилон ш., Янги Фарғона к., 1 | 237-40-26 |
| 11 | «Қўқон баққоллиқ» МЧЖ УҲБ | Қўқон ш.,«Халқ сўзи рўзномаси» к., 16 | 2-26-00 |
| 12 | «Қирғулисавдо» МЧЖ ҲУБ | Фарғона ш., Қирғули м., Кўкаламзор к., 8 | 2-58-00 |
| 13 | «Янгийўл улгуржи савдо база» МЧЖ | Янгийул ш.,Самарқанд кўч.,187 | 2-37-01 |
| 14 | «Сервисторг» МЧЖ УУҲБ | Тошкент ш., Фурқат к., 6 | 139-18-75 |
| 15 | «РТПФ Тижорат» ОАЖ УУҲБ | Тошкент ш., Навоий к.,25 | 139-11-55 |
| 16 | «Қорақалпоқгўштсутсавдо» ОАЖ УУҲБ | Нукус ш., Бердах гуз., 6 | 3-72-17 |
| 17 | «Фарғонаулгуржисавдоинвест» МЧЖ ҲУБ | Фарғона вил.,Марғилон ш., Тонг юлдузи к., 2 | 237-54-45 |






МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 139-10-17, 139-11-51, 139-48-26.

230R/279


## МАРКАЗДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Самарқандда "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази" иш бошлаганига бироз вақт ўтди. Яқинда унинг негизида "Баҳс" дебат клуби, "Иқтидорли ёшлар" ҳамда "Ёшлар туризми" марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Бепул ҳунар ўргатувчи мазкур марказнинг ўз атрофига кўплаб ёшларни бирлаштира олганлиги ташаббускор, изланувчан ўғил-қизларга кенг йўл очилаётганидан далолат. Яқинда Самарқанд давлат университетида бўлиб ўтган маданий-маърифий тадбирда ҳам бу алоҳида таъкидланди. Умуман, олий ўқув юртлари талабалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари яратилаётган бундай имкониятлардан мамнунлигини ҳар нафасда сезиш мумкин.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ» МЧЖ

**2008 йил 18, 25 март ва 1, 8, 15, 22, 29 апрель кунлари соат 15.00 да Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 135-уйда жойлашган, Қорақалпоғистон Республикасидаги Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

**Аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1. «Кызкетген» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида жойлашган «Кызкетген» МЧЖ банкрот корхонаси мулкий мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси — 103 113 000 сўм.**

**2. «Берунитекс» ҚКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида жойлашган «Берунитекс» ҚК банкрот корхонаси мулкий мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси — 7 473 147 618 сўм.**

Ушбу мулкларни корхоналарнинг тугатиш бошқарувчилари вакили иштирокида жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 фоиз миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини тақдим этган ҳолда савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй, телефонлар: 138-69-94, 138-69-93**
**ва Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 135-уй (3-қават), телефонлар: 8 (361) 222-55-84, 224-01-24.**

224R/272


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун

***танлов эълон қилади.***

**Танлов ўтказиш муддати — 2008 йил 18 апрель соат 11.00 да.**
**Танлов ўтказиш жойи: Тошкент ш., Навоий к., 28-«А» уй, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биноси, мажлислар зали.**

**ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН РАДИОЧАСТОТАЛАР:**

| | Частота | Узаткич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| **I. Теледастурларни тарқатиш (трансляция қилиш)** | | | |
| **1-лот*** | 49-телевизион канал (частоталар полосалари 694-702 МГц) | 1 кВт | Тошкент шаҳри |
| **2-лот*** | 3-телевизион канал (частоталар полосалари 76-84 МГц) | 1 кВт | Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти |
| **3-лот*** | 55-телевизион канал (частоталар полосалари 742-750 МГц) | 100 Вт | Урганч шаҳри |
| **4-лот*** | 36-телевизион канал (частоталар полосалари 590-598 МГц) | 1 кВт | Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилояти |
| **5-лот*** | 10-телевизион канал (частоталар полосалари 206-214 МГц) | 1 кВт | Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилояти |
| **6-лот*** | 3-телевизион канал (частоталар полосалари 76-84 МГц) | 1 кВт | Термиз шаҳри ва Сурхондарё вилояти |
| **7-лот** | 44-телевизион канал (частоталар полосалари 654-662 МГц) | 1 кВт | Андижон шаҳри ва Андижон вилояти |
| **II. Радиодастурларни тарқатиш (трансляция қилиш)** | | | |
| **8-лот** | 107,4 МГц | 1 кВт | Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти |

** РРТМдан ижара шарти билан*

**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишни бошлаш муддати** — 2008 йил 19 февраль.
**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишни тугаш муддати** — 2008 йил 19 март.

**Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ахборот фаолияти ҳамда маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ишчи гуруҳи. Маълумот учун телефонлар: 139-84-57, 139-46-13, 139-46-04.**

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **(www.aci.uz)**, Давлат алоқа инспекцияси **(www.gis.uz)** веб-сайтларида танишиш мумкин.

226R/275


## «АГРЕГАТ ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**тўрт қаторли, чигитни аниқ экадиган механик ва пневматик сеялкаларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.**

**Сеялкалар конструкциясини тайёрлашда хорижий фирмаларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланилган. Мазкур сеялкалардан Ўзбекистон Республикасининг деҳқончилик қилинадиган барча ҳудудлари ва қўшни минтақаларда фойдаланиш мумкин.**



**«PPAES-4-04» русумли сеялка чигит экиш ва 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган. Мазкур сеялка 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.**



**«PPAES-4» русумли пневматик сеялка эса чигитни ерга қадаш, маккажўхори, оқ жўхори, каноп, ерёнғоқ, кунжут, помидор, қандлавлаги, озуқа лавлагиси ва кунгабоқарни 50 см.дан 90 см.гача бўлган қатор ораларига экиш ва уларга ишлов бериш учун мўлжалланган. У 40-70 квт кучга эга бўлган тракторларга тиркалади.**

**Завод манзили: 100057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.**
**Телефонлар: (998-71) 148-02-40 (қабулхона), (998-71) 248-16-51 (тақсимот бўлими).**
**Факс: (998-71) 148-17-40 (қабулхона), (998-71) 248-02-40 (тақсимот бўлими).**
**E-mail: agregat_zavodi@mail.ru**

222R/256



## «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

*бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**I.** Аукцион савдосига Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги 10308-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Туямўйин Урганч» минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 14296,65 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 545,91 кв.м. бўлган, уч қаватдан иборат маъмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 259 100 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 18 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**II.** Шунингдек, 2008 йил 28 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 16 октябрдаги 3621-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли, Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 860,0 кв.м. бўлган, бир қаватдан иборат, коммунал хизматлари билан жиҳозланган ётоқхона бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 169 628 749 сўм.
2. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 январдаги 5802-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразмавтойўл» МЙФБга қарашли, Урганч шаҳар Шовот канали бўйида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 570,92 кв.м. бўлган, бир қаватдан иборат, ҳозирги талаблар асосида қурилган «Истиқлол» кафетерийси. Бошланғич баҳоси — 94 827 236 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиали АТИБ «Ипотекабанк»ининг «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт: МФО 00580, ИНН 200933850, ҳ/р 20210000700571452056. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефонлар: 226-32-63, 226-43-64.

**III.** Қуйидаги кўчмас мулк аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим қилинган ва «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 29 январдаги 20-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уйда жойлашган «Каркас» заводининг бино ва иншоотлари.

Савдодан олишга асос: Миробод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2008 йил 11 февралдаги 8002-04/15-сонли хати. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

227R/249


Тошкент автомобиль-йўллар институти раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари Автотрактор двигателлари кафедраси доценти, техника фанлари номзоди **Мақсуд Мирвалиевич МИРЮНУСОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Электртармоққурилиш» ОАЖ жамоаси ЧМТЗ ошхонаси мудири Тоҳир Тошмуҳамедовга онаси **НАФИСА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

***Барчамизга маълумки, жаҳон фани ва техникаси тез суръатларда тараққий этмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳозирги илмий-техникавий салоҳияти, хом ашё ва инсон ресурслари ҳам унга жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имкониятини беради. Таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириш мамлакатимизда бир неча ўн йиллар давомида ҳукм сурган сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий тизимни тубдан ўзгартириш ҳамда иқтисодиётнинг янги асосини яратишга қаратилган. Бозор иқтисодиёти таълим олдига шундай талабларни қўймоқдаки, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашга эришмасдан туриб, рақобатбардош иқтисодиётни барпо этиш мумкин эмас. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасини, пировардида, бугунги кунда малакали мутахассислар бошқариши муҳим аҳамият касб этади.***

# ОЗИҚ-ОВҚАТ СИФАТИ — МЕҲНАТ МЕВАСИ

Келинг, муҳим ишлаб чиқариш соҳаси бўлмиш биргина умумий овқатланиш тармоғи мисолида ушбу ҳолатни таҳлил қилиб кўрайлик. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати инсон саломатлигини белгиловчи таянч омилдир. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, жумладан, умумий овқатланиш шохобчаларида фаолият кўрсатувчи ҳар бир ходим ўз корхоналарида маҳсулот тайёрлаш жараёнида инсон саломатлиги нуқтаи назаридан қўйиладиган талабларнинг бажарилиши учун масъул ва жавобгар ҳисобланади. Модомики, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши — ҳаёт талаби экан, мазкур соҳа ходимларидан «Озиқ-овқат хавфсизлиги», «Умумий овқатланиш маҳсулотлари технологияси», «Овқатланиш физиологияси», «Санитария ва гигиена», «Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш», «Умумий овқатланиш маҳсулотларини технокимёвий назорат қилиш» фанлари бўйича етарли маълумотларга эга бўлишлари талаб қилинади.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти республикада озиқ-овқат ва умумий овқатланиш тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб берувчи олий таълим даргоҳи ҳисобланади. Институтда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари бўйича катта ҳажмдаги илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Европанинг етакчи мамлакатлари — Англиянинг Гринвич университети ҳамда Голландиянинг Ларейнстейн халқаро Аграр коллежи билан «Темпус» дастури доирасида олиб борилаётган илмий ҳамкорлик «Озиқ-овқат хавфсизлиги» муаммоларига қаратилган бўлиб, бу йўналишдаги жаҳон назарий ва амалий ютуқлари ўрганилмоқда ҳамда соҳадаги илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Маълумки, Европа давлатлари ўзаро ҳамкорликда ички бозорни сифатсиз, инсон саломатлиги учун хавфли озиқ-овқат маҳсулотларидан, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини эса хавфли озуқалардан ҳимоя қилиш мақсадида, 1998 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳайвон озуқасида учрайдиган хавф ва иллатларни (физикавий, кимёвий ва биологик) назорат қилиш учун ХТКНН — «Хавф таҳлили ва критик нуқталар назорати» тизимли ёндошувини ишлаб чиқишди ҳамда 2006 йил 1 январдан амалиётга жорий этилди. Бундай қарор масаланинг юқори даражада долзарблигини кўрсатяпти, чунки озиқ-овқат маҳсулотларидан келиб чиқадиган хавфларнинг инсон саломатлигига, айниқса, гўдак организмига салбий таъсири Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) томонидан чуқур ўрганилиб, таҳлил этилиб кенг жамоатчиликка маълум қилинган.



Таълим ва ислоҳот

Давлатимиз иқтисодиётининг ҳозирги кунда юксак одимлар билан ривожланиши маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш имкониятини яратиб беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги «Ички бозорни сифатсиз, хавфли озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарори, шу маънода, алоҳида аҳамиятлидир. Институтимиз олимлари ва педагоглари халқаро «Темпус» дастури танловида иштирок этиб, 2004 йилда унинг грантига сазовор бўлишди. Бу грант асосида институтимизда Европа университетларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда замонавий талабларга жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассисларни, янада аниқроғи, «Озиқ-овқат хавфсизлиги» мутахассислиги бўйича магистрларни тайёрлаш йўналиши йўлга қўйилди. Битириб чиқаётган кадрларимиз ўз минтақамизда озиқ-овқат саноати тизимида ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида нотўғри овқатланиш оқибатида юзага келган касалликлар кенг тарқалган бўлиб, бу турли ёшдаги инсонларни ногиронликка, ҳатто ўлимга олиб келмоқда. Мамлакатимизда барча қатлам ва гуруҳлардаги аҳолининг тўғри овқатланишини ташкил этиш, умумий овқатланиш соҳасидаги мутахассисларнинг профилактик ва даволаш тадбирларидаги иштирокини таъминлаш, соғлом турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги амалий ишларнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш умумий овқатланиш корхоналарида ишлайдиган раҳбар кадрлар ва мутахассисларнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда эркин бозор муносабатларининг ривожланиши озиқ-овқат ва умумий овқатланиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилишига ҳамда соҳада жиддий тузилмавий ўзгаришлар содир бўлишига, бу тармоқ корхоналарининг деярли барчаси давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштирилишига шароит яратди. Ушбу тармоқда ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган ходимлар учун соҳада иш сифатини таъминлаш вазифаси долзарб тус олмоқда. Лекин, ушбу тармоқ корхоналарида ишлашга рухсат берилаётган ходимлардан шу соҳа бўйича мутахассисликка эга эканлиги ҳақида ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмаяпти. Бу ўринда қонуний савол туғилади: нега касалликни даволаш учун дори-дармон сотиш билан шуғулланувчи ходимлардан фармацевтикага оид зарур ҳужжатлар сўралади-ю, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш тармоқларида бунга эътибор берилмайди? Ваҳоланки, аксарият ҳолларда кўпчилик касалликларнинг келиб чиқишига озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатсизлиги асосий сабаб бўлмоқда.

Такроран айтамиз: бозор иқтисодиёти даврида мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнес ривожига кенг йўллар очилаяпти. Шу билан бирга, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган мажлисда айтганларидек,

**«Кичик бизнесни нафақат сон жиҳатдан кўпайтириш, балки уни аввало сифат жиҳатидан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор».**

Жумладан, озиқ-овқат ва умумий овқатланиш соҳасида юксак технологияларга ўтилишини олий малакали мутахассис кадрларгина ҳал эта олади. Бунга амал қилиш, соҳада кутилган ривожланишни ҳам таъминлайди. Биз юқорида ёритилган муаммолар ечимини топишнинг ҳам вақти келганлиги ва бу миллатимиз келажагида муҳим ўрин тутишини унутмаслигимиз керак.

**М. ҲОЖИЕВ,**
**Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ректори.**

Спорт • Sport • Спорт



**Фигурали учиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Жанубий Кореяда ўтказиладиган тўрт қитъа чемпионатида иштирок этиш учун Сеулга жўнаб кетди.**

## Чемпионатда иштирок этадилар

Нуфузли мусобақанинг яккалик баҳсларида Анастасия Гимазетдинова, жуфтликда Марина Оганина — Артём Князов, спорт рақслари беллашувида эса Ольга Акимова ва Александр Шакаловлар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Эслатиб ўтамиз, тўрт қитъа чемпионати 1999 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Унда Осиё, Америка, Африка ва Австралия қитъалари спортчилари иштирок этадилар. Таъкидлаш лозимки, тўрт қитъа чемпионатининг биринчи олтин медали ўзбекистонлик Татьяна Малинина (1999 йил, Канада, Галифакс)га тегишли. Юртдошларимиз турнирнинг доимий иштирокчиси саналади.

Бу йилги чемпионатда ҳамюртларимиздан ташқари Австралия, Бразилия, Канада, Хитой, Хитой Тайпейи, Гонконг, Ҳиндистон, Япония, Мексика, Янги Зеландия, Жанубий Африка Республикаси, АҚШ, Жанубий Корея мамлакатлари вакиллари ғолиблик учун баҳс юритади.

## Чанғичиларимиз «бронза»си

***Эронда тоғ чанғиси бўйича ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашган спортчиларимиз юртимизга қайтиб келишди.***

*Мусобақада ҳамюртларимиз Олег Шамаев, Ноил Шириазданов ва Сафар Эгамбердиевлар умумжамоа ҳисобида учинчи ўриндан жой олишди.*

*Энди вакилларимиз Туркия ва Арманистонда ўтказиладиган рейтинг очколар берувчи халқаро турнирларда иштирок этади.*

## ОФК вакиллари Ўзбекистонга келади

**Жорий йилнинг 22-25 февраль кунлари Осиё футбол конфедерациясининг "Осиёга кириш" тараққиёт лойиҳаси делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюради.**

Ўзбекистон ушбу лойиҳа дастурида қатнашаётган ўнинчи, Марказий Осиёда эса биринчи давлат ҳисобланади. Делегацияга "Осиёга кириш" лойиҳаси директори Брендон Ментон раҳбарлик қилади.

— Ўзбекистон жамоалари ОФК томонидан уюштириладиган турли мусобақаларда барқарор иштирок этиб келмоқда,— дейди Б. Ментон. — Лойиҳа эришилаётган муваффақиятлар салмоғининг янада ошишига хизмат қилишига ишонаман.

Ташриф давомида футболнинг маъмурий бошқарув, клублар тузилмаси, мусобақалар ўтказиш, оммавий ҳамда болалар ва ўсмирлар футболи, шунингдек, ҳакамлик ва мураббийлик малакасини ошириш бўйича қатор учрашув ва семинарлар ўтказиш режалаштирилган.

## «Реал» — энг бой жамоа

***"Deloitte" аудиторлик компанияси дунёнинг энг бой жамоалари рўйхатини эълон қилди.***

*Унга кўра, биринчи ўринни Мадриднинг "Реал" жамоаси эгаллаб турибди. Қироллик клуби ўтган йили ҳам рейтингда пешқадам бўлганди. "Реал"нинг йил давомидаги даромади 20 фоизга ошиб, 351 миллион еврони ташкил этди. "Манчестер Юнайтед" 315 миллион евро билан иккинчи ўриндан жой олган. "Барселона", "Челси" ва "Арсенал" жамоалари кучли бешликни тўлдириб туришибди.*

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

МТС

## МТС — Ўзбекистон тармоғида абонентлар сони 3 миллиондан ошди

***Ўзбекистонда энг йирик мобил алоқа компанияси — МТС республикамиз мобил алоқа бозорида ўзининг етакчилигини яна бир бор исботлади: унинг абонентлари сони 3 000 000 дан ошди. Шу ўринда абонентлар сони кўпайишининг тезлиги юқорилигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Гап шундаки, атиги 7 ой ичида абонентларимиз яна 1 миллионга кўпайди. Абонентлар сони юқори даражада ўсиши, айниқса, ўтган йилнинг охирида қайд этилди, яъни декабрь ойида тармоққа 350 000 га яқин янги абонент уланди.***

2007 йилда МТС компанияси хизмат кўрсатиш доирасининг кенгайтирилиши ва алоқа сифатини оширилиши туфайли бундай юқори натижаларга эришилди. Ўтган йили компания тармоқни ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Натижада Ўзбекистон Республикасининг яна 109 та аҳоли яшаш пункти МТС компаниясининг хизмат кўрсатиш доирасига қўшилди.

Абонентлар сонининг 3 миллиондан ошиши МТС компанияси кўрсатаётган хизматларнинг юқори сифатини ва қулайлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Компания ўз абонентларига кўплаб қўшимча қулай хизматларни таклиф этмоқда. Интернетдан мобил телефон ёрдамида фойдаланиш учун WAP ва GPRS хизматлари, хизматларни мустақил бошқариш имкониятлари, кўнгилочар хизматлар ва бошқалар шулар сирасига киради. Муҳими, хизматлар рўйхати кўпайиб бормоқда.

* * *

Қўшимча ахборот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

**МТС — Ўзбекистон «Уздунробита» ХК маркетинг бўлими e-mail: pr@ mts.uz** [t]

***Ҳаётда баъзан шундай одамлар билан дуч келасизки, уларнинг оддийгина хушмуомалалиги ҳам кўнглингизни тоғдек кўтариб, анча вақтгача ёдингизда сақланиб қолади. Гоҳида эса бунинг акси кузатилади. Яъни, кимнингдир ножўя хатти-ҳаракати сизда нохуш таассурот пайдо бўлишига ва дилингизни хира қилишга олиб келади.***



## ХОЛИС ХИЗМАТ

Инсон ўзинг...

Тошкентни яхши билсангиз, Хадра майдонидан Абай кўчаси билан Навоий кўчаси кесишган чорраҳагача бўлган масофа қўл узатса етгудай. Бу жойни яёв юриб босиб ўтса ҳам бўлади. Аммо кунларнинг бирида шошилинч иш юзасидан таксига чиқишга тўғри келди. Ҳайдовчига борар манзилимни айтиб, хизмат ҳақи қанча бўлишини сўрадим.

— Уч минг бўлади, — деди ёши ўртачадан келган "Матиз" ҳайдовчиси.

— Кўп сўравормадингизми, ака, бешолти юз сўмлик йўл-ку бу, — дедим бироз қизишиб.

— Э, қойил. Биларкансиз-да. Майли ўтиринг, ҳазиллашдим, — машинага чиққанимдан сўнг ҳайдовчи бир воқеани эслади, шекилли, кулиб гап бошлади: — Қайсидир куни "Олой" бозори ёнида "клиент" кутиб ўтирсам худди сизга ўхшаган бир йигит келиб, "Главпочтамт"га олиб бориб қўйинг, деди. "Сразу" тушундим, шаҳарни билмас экан. Бўлмаса, почта биносининг шундоққина ёнида турибмиз, таксига нима бор? Вазиятдан фойдаланиб, икки ярим минг сўм берасан, дедим. У икки минг, деди. Ҳа, майли, бир марта «холис хизмат» қилсак, қилибмиз-да, деб ўхшатдим гапни ўзимча. Бечора йигит борар жойини осон топишини ўйлаб, ўзида йўқ хурса-а-нд. Бошқа кўча билан айлантирдиму, ўша жойга олиб келиб қўйдим. Шунақалардан учраса бензин ҳам "расход" бўлмайди-да.

— Алдамасдан шундоқ кўрсатворсангиз бўлмасмиди? — дедим.

— Қизиқмисиз ука, алдасам, мани биров уришармиди? Пулини рози қилиб олдим-ку, бўлди-да...

Ҳайдовчи айтиб берган воқеадан сўнг унда инсоф деган туйғудан асар ҳам қолмаганига амин бўлдим.

...Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна такси билан боғлиқ бир ҳолатга гувоҳ бўлдим. Бу гал мен машинанинг ичидаман. Кеч кириб қолганди. Юнусободдан Чилонзорга қараб кетаяпмиз. Амир Темур хиёбонига етиб келганимизда, йўл бўйида бир бола билан турган кекса аёл қўл кўтарди. Ташқарида қор гупиллаб ёғаяпти. Улар совуқда анча туриб қолишгани шундоқ билиниб турарди. Ҳайдовчи иккиланмай тўхтади.

— Ука, айбга буюрмайсиз, пулим камроқ эди. Тошкент вокзали олдига олиб бориб қўя оласизми? Рози бўлсангиз беш юз сўм бераман. Бир соатдан бери турибмиз, автобус қурғур келмаяпти. Совуқда неварамни шамоллатиб қўймайин, — деди айбдорлардек. Ҳайдовчи менга қаради:

— Хафа бўлмасангиз ташлаб ўтсак. Қаранг, кекса аёл экан, — деди. Мен қаршилик билдирмадим. Вокзалга етиб боргач, аёл ҳамёнидан беш юз сўм узатди. Ҳайдовчи олишга унамади:

— Майли опа, мен розиман. Бир дуо қилиб қўйсангиз бўлди, — деди.

— Раҳмат, умрингиздан барака топинг. Ҳеч қачон кам бўлманг, болаларингизнинг роҳатини кўринг, — дея аёл узоқ дуо қилди. Ҳайдовчи у билан хайрлашиб, бир кишининг ҳожатини чиқарганидан мамнун қиёфада мени манзилим томон олиб кетди...

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

**«АЛТАЙ»** радиотелефон тизимидан фойдаланувчи барча абонентлар диққатига!

**«АЛТАЙ»нинг барча радиотелефон ускуна ва жиҳозлари 2008 йил 1 мартдан**

**Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази давлат унитар корхонаси**

**тасарруфига ўтказилади.**

**Шу муносабат билан «Автоалоқа» ОАЖ шартномаларни Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази давлат унитар корхонаси билан тузишингизни сўрайди.**

**Абонент бўлимининг эски манзили: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 42-АТС биноси. Телефон: 149-65-67.**

**Абонент бўлимининг янги манзили: Тошкент ш., Амир Темур к., 109-«А» уй. Телефон: 144-29-63.**

225R/270

***Илк бор қор тушганда Шаҳрисабзда эдик. Осмон кулранг тусга кирган, пағапаға қор ёғмоқда эди. Шундай бўлса-да, кун совуқ эмас, биринчи қордан одамларнинг кўзида қувонч жилваланарди. Бозорга кираверишдаги майдон одамлар билан гавжум, ёшу қари, аёлларниманидир ўраб олишган эди. Ўша томонга бордик. Ўртада каттакон қўнғир айиқ тик турар, қўлида узун калтак тутган айиқбон уни томоша кўрсатишга ундарди.***



## АЙИҚҚА ҲАМ ГЎШАСИ АЗИЗ

Ажабо

Тўпланганлар томоша кутишарди. Айиқ бўлса ёғаётган қорни тутиб олиш учун олд оёқларини олдинга узатганча тек қотганди.

— Томоша кўрсатадими, бунингиз? — иддао билан сўради бир йигит.

— Ҳа-ҳа, томоша кўрсатамиз, — деди айиқбон тўпланганларга хижолатомуз. — Томоша кўрсатамиз, — деб ҳу, анови баланд тоғлардан келганмиз. Бу зўр айиқ. Умбалоқ ҳам ошади, «Андижон полкаси»га ўйинга ҳам тушади.

— Ундай бўлса, бошламайсизми?

— Мана, ҳозир. Ҳа, айиқполвон. Бир томоша кўрсатамизми?

Бироқ айиқполвон бепарво, бир жойда тик турганча олд қўллари билан ёғаётган қор парчаларини тутиб олар ва кўзига суртарди.

Айиқбон гўё айиқ унинг сўзларини тушунадигандай ҳар кунги гапини қайтарди.

— Айиқполвон, томошани бошланг. Ҳар кунгидай умбалоқ ошиб, рақсга тушиб одамларга томоша кўрсатинг.

Бироқ айиқ ўрнидан қўзғалмади. Оппоқ қор пағаларини тутиб олиб кўзига суртишда давом этди. Бундан тоқати тоқ бўлган айиқбон қўлидаги калтакни гурсиллатиб ерга урди-да:

— Айиқ, думбалоқ ош! — деб буюрди.

Айиқ эса ҳамон ўша-ўша, осмондан ёғаётган қорни тутиб олиш билан овора эди.

Яна калтак зарб билан ерга урилди. Айиқбоннинг ўша буйруғи яна такрорланди. Бунга жавобан айиқ шаҳд билан ўкирди. Одамлар орқага тисланди. Давра кенгайиб кетди. Айиқбон ёнида турган йигирма ёшлардаги йигитга:

— Қани, «Андижон полкаси»ни чалчи, — деди.

Майдон узра мусиқа садолари янгради. Қизиқиши ортган одамларнинг кўзи айиқда эди.

Бироқ, айиқ ўрнидан қўзғалмасди. Ҳар куни ўша ўзича рақсга чорлаган, қонини жўшдирган мусиқа садолари унга бугун етиб бормаётгандай, гўё унга бегонадай, қонини жўшдирмасди.

Айиқбон бир парча гўшт ташлади. Айиқ унга ҳам қарамади. Қўлини ёғаётган қорга чўзди-да аянчли, бўғиқ ўкириб юборди. Мусиқа садолари тинди. Айиқ яна кетма-кет ўкирди.

Соҳиб ниманидир англагандек хомуш қолди.

Одамлар тарқалишди. Майдонда айиқбон, унинг ўғли ва айиқ қолди.

Бизда эса қизиқиш устунлик қилиб, айиқбондан ёндошиб сўрадик:

— Нима бўлди унга?

— Ёғаётган қор туғилиб ўсган маконини ёдига солиб қўйди, шекилли. У ўз гўшаси, оппоқ тоғларни соғинган. Биламан, энди ўйин кўрсатмайди. Ҳеч нарса емайди. Уни ўзининг тоғларига чиқариб қўйиб юбормасам, ўлиб қолади. Бундай ҳол кўп марта такрорланган. Буни кузатувларимиздан биламиз.

Айиқбон ва унинг ўғли қўнғир, катта айиқни етаклаб кетишди.

**Абдулла БОБОЁРОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6 7